

Ўлимидан сўнг, дод солиб бақирмасликларини айтсаю, у ўлгандан сўнг фарзандлари...

15:12 / 26.04.2016 5583

Агар бир киши ўз фарзандларига ва яқинларига унинг ўлимидан сўнг, дод солиб бақирмасликларини айтсаю, у ўлгандан сўнг фарзандлари ва қариндошлари барибир бақириб йиғлашса, сочларини юлишса, унга қабрда азоб етадими?

Ўлган одамга бақириб йиғлаш, сочларини юлиб йиғлаш, кийимининг ёқаларини йиртиб йиғлаш, юзларини тирналаш каби ҳолатлар бизнинг динимиз, Аллоҳнинг охирги ва мукамал дини ислом таълимотларига мутлақо зиддир. Бу Аллоҳнинг қазои қадарига сабр қилмаслик, бўйсунмасликнинг аломатидир. Ислом шариатида ўлган одамга ана шундай бақир-чақир қилиб, дод-вой қилиб, ўлганни муболағали равишда мадҳ қилиб йиғлаш маънолари ман этилган. Бу Пайғамбаримиз с.а.в. нинг ҳадиси шарифларида такрор-такрор зикр қилинган. Ўша ҳадислардан бирида Пайғамбаримиз с.а.в. айтадиларки, "албатта майит унинг аҳлини унга айтиб йиғлашлари сабабидан азобланади" деганлар. Энди майит ўзи "йиғламанглар" деб васият қилган бўлса, фарзандларига, яқинларига, тайинлаган бўлса, бу таъкид яна ҳам зиёда бўлади. Энди васиятга амал қилмай, шариатга амал қилмай, дод-вой солинса, юзи юлинса, сочи юлинса, бошқа бўлса, албатта бу ишни қилаётган инсонлар ҳам шариатни, ҳам васиятни эътиборсиз қолдирган кишилар сифатида гуноҳкор бўладилар. Энди майитга қабрда азоб бўладими, шу йиғлашни сабабидан дейиладиган ҳолат бўлса, алалақал майитнинг ўзи ҳижолат бўлиши бор. Чунки майит инсон ўлиб ётган пайтида ҳам ўзининг атрофида бўлаётган нарсаларни хис қилиши, руҳини безовта бўлиши албатта бор нарса. Ўша юқорида айтган "ҳадисимизда майитни азобланиши" деганда Аллоҳ уни азобламайди, балки ўзи уларни йиғисидан ҳақиқат дунёсида турганлигидан ҳижолат бўлиб, ножон бўлади деган уламоларимиз ҳам бор. Шунинг учун, шариатнинг кўрсатмасини қилиниши лозим. Ўлганларга дод-вой солиб, бақир-чақир қилиб, юзини тирнаб ёки сочини юлиб, кийимини йиртиб йиғлаш маънолари мутлақо бўлмаслиги керак. Раҳим-шафқат маъносида юзидан билиниб турадиган даражада маҳзун бўлишлик, кўзидан ёш оқиб йиғлашлик маънолари бу шариатда бор. Пайғамбаримиз

с.а.в. ҳам ўзларининг азиз фарзандлари Иброҳим вафот этганларида кўзларидан ёш оқиб йиғлаганлар. Абдурахмон ибн Авф (р.а.) "Эй Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) сиз ҳамми? деб сўраганида, эй Абдурахмон, бу раҳмат ёшидир" деганлар, бу ҳолатлар бор. Лекин бақир-чақир қилиб сен менинг тоғим эдинг, суянганим эдинг, энди нима қиламан, у эдинг бу эдинг деган маънодаги йиғлашлар исломий ҳолатга тўғри келмайди келмайди. Ва ҳалиги айтганимиздек кўпгина ножонликлар сабаб бўлиши мумкин.